Технологик жиҳозлар жадвалга қуйидаги тартибда ёзилади: аввал ҳамма минтақалар учун умумий бўлган жиҳозлар (конвеер, кран-балка), кейин асосий технологик жиҳозлар (кўтаргичлар, диагностик стендлар, ювиш қурилмалари ҳамда турғун жиҳозлар), кейинчалик эса кўчма жиҳозлар, кўтарма приборлар, ишлаб-чиқариш инвентарлари ва бошқалар. Жиҳозлар танлангандан сўнг ишлаб чиқариш майдонлари ҳисобланади.

2.6. Ишлаб-чиқариш майдонларини ҳисоби.

Ишлаб чиқариш майдонларини қуйидаги услублар ёрдамида аниқланади:

-аналитик услуб-битта автомобилга, ҳар бир жиҳоз бирлигига ёки битта ишчига тўғри келувчи майдон сифими бўйича;

-график услуб (аниқроқ) — режалаштрилган шакл бўйича, яъни қабул қилинган масштабда постлар чизилади ва танланган жиҳозлар автомобилларни тоифасига қараб, оралиқ масофаларни сақлаган ҳолда жойлаштириш орқали;

-графоаналитик услуб (аралаш) режалаштриш ва аналитик ҳисоблаш орқали.

ТХК ва ЖТ диагностика минтақаларини майдонини ҳисоблаш.

ТХК ва ЖТ уминтақаларининг майдони қуйидагича аниқланади.

$$\Phi_m = (X_1 \Phi_a + \sum F_{жс}) K_3 = (1 * 6,48 + 8,41) * 4 = 60 \text{ м}^2$$

бу ерда: Φ_a - автомобилнинг режада эгаллаган майдони;

X_1 -минтақадаги постлар сони;

$\Phi_{жс}$ - жиҳозларни режада эгаллаган умумий майдони;

K_3 - постларни ва жиҳозларни жойлатириш зичлиги.

Жори таъмир минтақаси майдони:

$$\Phi_{жст} = (X_1 \Phi_a + \sum F_{жс}) K_3 = (2 * 6,48 + 4,6) * 4 = 70 \text{ м}^2$$

Устахоналар майдонини ҳисоби. Устахоналар майдони жиҳозлар эгаллаган майдон ва жойлаштириш зичлиги коэффициенти ва битта ишчи ўринга тўғри келувчи солиштирма майдон орқали аниқланади.

а) Устахоналар майдонини жиҳозлар эгаллаган майдон ва жойлаштириш зичлиги коэффициенти орқали ҳисоблаш;

Устахоналар майдонини солиштирма майдон орқали тахминий ҳисоблаш формуласи:

$$\Phi_v = \phi_1 + (\Pi_T - 1) * \phi_2, \text{ м}^2$$

бу ерда: ϕ_1, ϕ_2 - мос равишда биринчи ва кейинги ишчи ўринларга тўғри келувчи солиштирма майдон миқдори, м^2 .

Ишчи ўринларга тўғри келувчи солиштирма майдон қийматлари бўйича устахона майдони ҳисоби;

2.18-жадвал.

Устахоналар	ϕ_1	ϕ_2	Φ_y
Чилангар-механик	8-12	5-10	12
Темирчилик-рессора	20	15	20
Мисгарлик	10	8	
Тунокасозлик	12	10	
Пайвандлаш,	15	10	
Шина таъмири, шиномонтаж	15	10	15
Акумлятор	15	10	10
Агрегатлар	15	10	15
Таъминот тизимигз ХК	8	5	10
Электротехник	10	5	
жами:			82

Ихтиёрий ишлаб-чиқариш хонасини майдони лойиҳалаш жараёнида ҳисобий майдон миқдоридан $\pm 20\%$ гача четлашиш мумкин, агар ишлаб-чиқариш хонасини майдони 100 м^2 гача бўлса, агар 100 м^2 дан ортиқ бўлса, $\pm 10\%$ га четлашишга рухсат этилади. Минтақа ва устахоналарнинг майдонини ҳисоблаш натижалари жадвал кўринишида келтирилади.

2.7. Омборхоналар майдонини ҳисоби

Омборхоналар майдонини автомобилларнинг 1 млн.км. босиб ўтган йўлига тўғри келувчи солиштирма майдон миқдори бўйича ҳисоблаш:

$$\Phi_0 = A_c * L_{\text{й}} * \phi_c * K_{\text{хт}} * K_c * K_a * 10^6, \text{ м}^2$$

бу ерда: $L_{\text{й}}$ - автомобилнинг бир йилда ўртача босиб ўтган йўли, км;

A_c - автомобилларнинг рўйхатдаги сони;

ϕ_c - омборхонанинг турига тўғри келувчи 1 млн.км. босиб ўтилган йўл учун солиштирма майдон миқдори (2.19-жадвал);

$K_{\text{хт}}$ - ҳаракатланувчи таркибнинг турини ҳисобга олувчи коэффициент;

K_c - автомобилларни сонини ҳисобга олувчи коэффициент;

K_a - автомобилларни ҳар-хил русумлилигини ҳисобга олувчи коэффициент.

Омборхоналар майдони миқдори, м^2 .

2.19-жадвал

Омборхоналар тури	Омборхонанинг турига тўғри келувчи 1млн.км. босиб ўтилган йўл учун солиштирма майдон миқдори, ϕ_c	Φ_0
Эҳтиёт қисмлар	3,5	40
Агрегатлар	5,5	64
Материаллар	3	35
Шиналар	2,3	27
Мойлаш материаллари (насос хона билан биргаликда)	3,5	40
Лак-буёқ материаллари	1	12
Химикатлар	0,25	3
Асбоб тарқатиш хонаси	0,25	3
Оралик омборхона	15-20% омборлар майдони йиғиндисидан	44
жами:		268


Автосервис корхонаси ишлаб чиқариш биноси майдонини ҳисоби

$$\Phi_{\text{ум}} = \Phi_{\text{сх}} + \Phi_{\text{жт}} + \Phi_{\text{уст}} + \Phi_0 = 60 + 70 + 82 + 268 = 480 \text{ м}^2$$

3.Ташкилий қисм

3.1. Таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш устахонасидаги ишларни ташкил этиш

Дизелли автомобилларни таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш устахонасида ёнилғи аппаратларини автомобилдан ечиб олинган тиндиргич, ҳаво ва ёнилғи филтрлари, ёнилғи ўтказгичлари, юқори босим насоси, форсунка ва автомобилни таъминлаш тизимини бошқа агрегат ва деталларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган (3.1-расм).



3.1-расм. Дизелли автомобилларни таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш учун технологик жараёнини ташкил этиш шакли устахонада ишчи ўринлари ҳамда жиҳозларни кетма-кетлиги технологик жараёнларни бажарилиш кетма-кетлиги асосида ўрнатилган. Иш ўринлари ва технологик жиҳозларни ўрнатиш кетма-кетлигини сақлаш иш унумдорлигини оширади, вақт сарфини камайтиради, кам куч сарфланади ҳамда жиҳозлар ўртасида бориб-келишлар вақти камаяди.

Элементлар бўйича текширишни, созлашни ва таъмирлашни талаб қилдаиган юқори босим насоси тамирлаш устахонасига техник хизмат кўрсатиш, жорий таъмирлаш ва

диагностика минтақаларидан олиб келинади. Таҳминлаш тизимига хизмат кўрсатиш устахонасига келтирилган таҳминлаш тизими агрегат, тармоқ ва асбоблари ифлосликлардан тозаланади, ювилади, текширилади ва таҳмирланади. Таҳмирланган агрегат, тармоқ ва асбоблар синовдан ўтказилади, сўнг уларни автомобилга ўрнатилади. Таҳминлаш тизими асбоб ва ва деталлари автомобилга ўрнатилгандан кейин таҳмирлаш сифати текширилади ва соزلанади.

Юқори босим насослари таҳмирлангандан сўнг текшириш ва синаш стендида текширилиб соزلанади. Устахонада ҳар бир ишчи жойини кўзга кўринарли жойида ёнилғи насоси, форсунка ва бошқа асбоб ва деталларни асосий характеристикалари кўрсатилган жадвал осиб қўйилади. Бундан ташқари бу устахонада асосий ишлар бўйича технологик хариталар тўплами бўлиши лозим.

3.2. Дизелли автомобилларни таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш устaxonасини учун технологик жиҳозларни танлаш

Технологик жиҳозларга стационар ва кўчма дастгоҳлар, стендлар, асбоблар, мосламалар ва ишлаб чиқариш инвентарлари ҳамда автотранспорт корхонасини ишлаб чиқариш жараёнини таҳминловчи жиҳозлар киради.

Технологик жиҳозлар ишлаб чиқариш вазифасига кўра асосий жиҳозларга, йиғма, кўтариб-кўрувчи ва кўтариб-ташувчи, умумий вазифали ва омборхона жиҳозларига бўлинади. Жиҳозларни танлашда «Технологик жиҳозлар, махсуслаштирилган асбоблар қайдномаси» маълумотномасидан ва каталоглардан фойдаланилади. Ташваридан келган автотранспорт воситаларига АТК даги ТХК ва ЖТ ишларини бажариш учун жиҳозларнинг таҳминий сони берилган. Руйхатда келтирилган жиҳозлар номланиши ўртача шароит учун келтирилган. Технологик жиҳозларни руйхати танлаб олингандан сўнг қўйидаги жадвалга киритилади.

Дизелли автомобилларни таҳминлаш тизимига хизмат кўрсатиш устахонаси учун технологик жиҳозлар руйхати

3.1-жадвал

Т-р	Жиҳозлар номи	Габарит ўлчамлари, мм	Сони	Эгаллаган майдои, м ²
1	Тозалаш материаллари учун лар	1000х400	1	0,40
2	Қисмларга ажратиш ва ювиш учун қурилма	1200х680	1	0,82
3	Қисқич	-	1	-
4	Плунжер жуфти деталларини назорат қилиш ва ювиш учун стол	1000х680	1	0,68
5	Ёнилғи аппаратини таҳмирлаш столи	1600х680	1	1,09
6	ЮБН ни текшириш ва синаш стенди	1800х600	1	1,08
7	Форсункаларни таҳмирлаш столи	900х600	1	0,54
8	Рейкали қўл пресси	600х800	1	0,48
9	Стол устидаги пармалаш дастгоҳи	600х800	1	0.48
Жами:				5,57

3.3. Дизелли автомобилларни таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш устахонаси майдонини ҳисоби

Ишлаб чиқариш майдонларини қўйидаги усуллар ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

- аналитик усул-битта автомобилга, ҳар бир жиҳоз бирлигига ёки битта ишлаб чиқариш ишчисига тўғри келувчи майдон сифими бўйича;
- графикавий усул-режалаштирилган шакл бўйича, яҳни қабул қилинган масштабда постлар чизилади ва танланган жиҳозлар автомобилларни тоифасига қараб, оралик масофаларни сақлаган ҳолда жойлаштириш орқали;

-графоаналитик усул-режалаштириш ва аналитик ҳисоблаш орқали. Устахоналар майдони жиҳозлар жойлашган майдон ва жойлаштириш зичлиги коэффиценти орқали ҳисобланади:

$$F_{\text{ум}} = K_{\text{жм}} \cdot \Sigma F_{\text{жм}} = 5,5 \cdot 5,57 = 30,63 \approx 36 \text{ м}^2$$

бу ерда $K_{\text{ж}}$ -жиҳозларни жойлаштириш зичлиги:

$\Sigma F_{\text{ж}}$ -жиҳозларни режада эгаллаган майдонлари йиғиндиси, м^2

Ҳисобланган майдон автотранспорт корхонасидаги тахминлаш тизимига хизмат кўрсатиш устахонаси майдонига (36 м^2) мос келади.

3.4. Дизелли автомобилларни таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш ишлари технологияси

Автомобилдан ечиб олинган ёнилғи насоси ва юқори босим ёнилғи насоси (ЮБЁН) дизел ёнилғисини узатувчи СДТА аппаратурасида текширилади. Стендда соз ёнилғи сўриш насосини текширишда ва созлашда берилган босимга қарши ва босимда (ЯМЗ-236 двигатели учун стенд валигини 1050 айланасида берилган босимга қарши 150-170 КПа ва ёнилғи канали тўла ёпиқ бўлганда босим 380 КПа да ёнилғи насосини унумдорлиги 2,2 л|мин бўлиши лозим) ёнилғи канали тўла ёпиқ бўлганда маҳлум унумдорликка эга бўлиши лозим.

Юқори босим ёнилғи насоси двигател цилиндрига ёнилғини узатишни бошланиши, текис тақсимланиши ва узатишни миқдори бўйича текширилади. Ёнилғини узатишни бошланишини аниқлаш учун насосни чиқиш штуцерига ўрнатилган ички диаметри 1,5...2,0 мм ли шиша қувурли моментоскоп ва насос валига қотирилган градусланган диск (лимб) ишлатилади. Стенд валигини айлантирганда насос секцияси ёнилғини моментоскоп қувурига узатади. Биринчи цилиндр қувурида ёнилғини ҳаракатланишини бошланиш лаҳзасини градусланган диск бўйича белгиланади. Бу ҳолат нол, яҳни ҳисобни бошланиши деб қабул қилинади. Кейинги цилиндрларга ёнилғини узатилиши цилиндрларни ишлаш тартибига (КамАЗ-740 двигателини ишлаш тартиби 1-5-4-2-6-3-7-8) мос равишда валикни бурилишини маҳлум бурчаклари орқали амалга оширилади. Ёнилғини бешинчи цилиндрга узатиши 45 градусда, кейинги цилиндрларга ёнилғи узатиш 4 (4-секция)- 90^0 , 2 (5-секция)- 135^0 , 6 (7-секция)- 180^0 , 3 (3-секция)- 225^0 , 7 (6-секция)- 270^0 , 8 (2-секция)- 315^0 амалга оширилади. Бунда ҳар бир секцияни ёнилғини узатишни бошланиши биринчи секцияга нисбатан оралиғи $0,5^0$ кўп бўлмаслиги лозим.

Стендда синашда насосни ҳар бир секциясини цилиндрга узатаётган ёнилғи миқдори ўлчов мензуркаси ёрдамида аниқланади. Бунинг учун насос стендга ўрнатилади ва электродвигател ёрдамида стенд валиги ҳаракатга келтирилади. ЮБЁН соз ва ростланган форсункалар комплекти билан биргаликда синовдан ўтказилади. Бунда ёнилғи узатиш миқдори (плунжерни битта йўлида секция узатадиган ёнилғи миқдори) КамАЗ-740 двигатели учун 72,5...75,0 $\text{мм}^3/\text{цикл}$ ни ташкил этади. Насосни ёнилғи узатишни нотекислиги 5 фоиздан ошмаслиги лозим. Ёнилғини нотекис узатиш қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\delta = \frac{2(V_{\text{max}} - V_{\text{min}})}{V_{\text{max}} + V_{\text{min}}} \cdot 100 \%,$$

бу ерда V_{max} - максимал унумдорлик билан секцияни циклли узатмаси; V_{min} - минимал унумдорлик билан секцияни циклли узатмаси.

Дизел двигатели форсункасини НИИАТ-1609 стендида герметикликка, нинани кўтарилишини бошланишидаги босимга ва ёнилғи пуркаш сифатига текширилади.

Насос секциясини плунжери пишанг ёрдамида қўлда ҳаракатга келтирилди. Форсункани герметикликка текшириш учун уни ростлаш винти тортилади, шундан сўнг стендни насосини секцияси ёрдамида унда 30 МПа гача босим ҳосил қилинади ва босимни 30, 0 дан 23,0 МПа гача тушиш вақти аниқланади. ёйилган форсункалар учун босимни тушиш вақти 5 сониядан, янги пуркагичли форсункалар учун эса 20 сониядан кам бўлмаслиги лозим. Форсунка нинасини кўтарилишини бошланиш босимини насос секциясини босими оширилади ва уни миқдори аниқланади. КамАЗ двигателларини форсункасида ёнилғини пуркаш 17,6 МПа босимда, ЯМЗ-236 ва ЯМЗ-238 двигателларида эса 14,7^{к0,5} МПа бошланади.

Ишлаётган двигателда нинани кўтарилишини бошланишини максиметр ёрдамида аниқлаш мумкин. Бу асбоб ишлаш тамойили бўйича форсункага ўхшаш, лекин ростлаш гайкасида нониус шкалали микрометр қурилмаси мавжуд бўлиб, нинани кўтарилишини бошланиши босимини белгилайди. Максиметр юқори босим ёнилғи насоси секцияси ва текшириляётган форсунка орасига ўрнатилади. Форсунка ва максиметр билан ёнилғи бир вақтда пуркалишига эришилганда максиметрни ҳолати бўйича у қандай босимда содир бўлганлиги аниқланади.

Таъмирланган ёнилғи насоси, форсунка ва бошқа тахминлаш тизими асбобларини автомобилга ўрнатгандан сўнг қўйидаги ишлар бажарилади.

Тутунлилик тахмидан сўнг ТХК да ёки турган автомобилда ёнилғи аппаратурасини созлашда двигателни иккита иш тартибида ўлчанади. Салт юришда, яхни эркин тезланишда (тирсакли вални минимал айланишларидан максимал айланишларига тезлатиш) ва тирсакли вални максимал айланишларида.

Тахминлаш тизимини диагностикалаш тизимни герметиклигини, ёнилғи ва ҳаво филтрлари ҳолатини, ёнилғи сўриш насосини, юқори босим ёнилғи насосини ва форсункаларни текширишни ўз ичига олади.

Тахминлаш тизими герметиклиги алоҳида ўрин тутди, чунки тизимни кириш қисмида (ёнилғи бакидан ёнилғи сўриш насосигача) ҳавони сўриши ёнилғи узатиш аппаратурасини ишини бузилишига олиб келади, тизимни қолган қисмини (ёнилғи сўриш насосидан то форсункагача) герметиксизланиши эса ёнилғи сизиб чиқишига ва ёнилғини ортиқча сарфланишига олиб келади.

Ёнилғи магистралини кириш қисмини герметиклиги махсус асбоб-бачок ёрдамида текширилади. Ёнилғи магистралини ёқори босим остидаги қисмини қўл билан ишлатиладиган ёнилғи насосини қўл билан ишлатиш ёки тирсакли вални кичик айланаларида двигателни ишлашида назорат қилиш билан текшириш мумкин.

Ёнилғи ва ҳаво филтрлари ҳолати кузатиш билан текширилади.

3.5. Тахминлаш тизимига хизмат кўрсатиш устахонасида бажариладиган ишлар бўйича технологик харита тузиш

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, тахмирлаш ва диагностикалашни қулай усулда ташкил қилиш учун ҳар хил технологик хариталар тузилади. Бундай технологик хариталар асосида техник хизмат кўрсатиш ишларининг ҳажми аниқланади ва ишни бажарувчиларга тақсимланади. Ихтиёрий технологик харита ишни бажарувчи ҳар бир ишчи учун қўлланма ҳамда техник хизмат кўрсатиш ва тахмирлаш ишларини бажарилишини назорат қилувчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Технологик харита алоҳида хизмат кўрсатиш турига, агар хизмат кўрсатиш тури ичида бўлса, унинг элементлари бўйича тузилади. Технологик харита тузишда қўйидагилар кўзда тутилади:

- ишни бажариш жараёнида автомобилни ёки унинг агрегатларини ўрнатиши, қисмларга ажратиши, силжитишни қулайлигини;
- лозим бўлган кўтариш-ташиш жиҳозларини;

-юқори иш унумига эга бўлган технологик жиҳозлардан, асбоблардан ва мосламалардан фойдаланишни;

-ишчилар учун хавфсиз, қулай ва гигиеник талабларга жавоб берувчи шароит яратишни;

-ишни сифатини текшириш усуллари ва воситаларини.

Бажариладиган иш номлари ва алмашилишлардан қатъий технологик кетма-кетлик асосида ва буюриш маҳносида кўрсатилиши керак.

Юқори босим ёнилғи насосини тармоқ ва деталларга ажратиш технологик харитаси

3.2-жадвал

Ҳолат	Операцияларнинг номланиши	Ишлатиладиган жиҳоз, мослама ва асбоблар	Ишчининг ихтисоси ва малакаси	Вақт меъёри, о.-соат	Техник шароит (Ишнинг мазмуни)
1	2	3	4	5	6
Асбобларни ечиб олиш					
1	Ёнилғи сўрувчи насосни ечиб олиш	Чилангарлик калитлар тўплами	Чилангар ИИИ	0,03	Ёнилғи сўрувчи насос қистирмаси билан ечиб олинади
2	Ёнилғи пуркаш илгариланиш муфтасини ечиб олиш	Чилангарлик калитлар тўплами, махсус мослама	Чилангар ИИИ	0,06	Пружина ечиб олиниб муфта пресслаб чиқарилади
3	Айланишлар сони ростлагичини ечиб олиш	Чилангарлик калитлар тўплами	Чилангар ИИИ	0,12	Айланишлар сони ростлагичини ечиб олиб қисмларга ажратилади
Тармоқ ва деталларга ажратиш					
4	Бирлаштирувчи ниппел ва сухариларни ечиб олиш	Чилангарлик калитлар тўплами	Чилангар ИИИ	0,13	қопқоқ сапун қалқони билан бирга олинади. Рейка колпачоги бўшатилади. Ўтказиш клапани корпуси айлантирилади ва бирлаштирувчи ниппеллар ва сухари ечиб олинади
5	Таянч ва клапанлар пружинасини ечиб олиш	Чилангарлик калитлар тўплами	Чилангар ИИИ	0,07	Ёнилғи насоси штуцерлари бўшатилади ва таянч ҳайдовчи клапанлар пружинаси билан биргаликда суғуриб олинади
6	Ҳайдовчи клапанлар эгарини ечиб	Чилангарлик калитлар	Чилангар ИИИ	0,07	Ёнилғи насоси корпусидан эгарни

	олиш	тўплами			клапан билан биргаликда суғуриб олинади
7	Плунжерлар жуфтини ечиб олиш	Чилангарлик калитлар тўплами	Чилангар ИИИ	0,13	Пружинани пастки тарелкаси, сўнгра плунжерлар жуфтлиги корпусдан суғуриб олинади
8	Туртки пружинасини ечиб олиш	Чилангарлик калитлар тўплами	Чилангар ИИИ	0,05	Пружинани юқори тарелкаси ва тишли гардиш билан бирга сиқиб туртки пружинаси суғуриб олинади
9	Турткини ечиб олиш	Чилангарлик калитлар тўплами	Чилангар ИИИ	0,10	Рейка ва рейка вверти-шини, сўнгра туртки корпус йўналтирувчи-сидан суғуриб олинади
10	Муштчали вални ечиб олиш	Чилангарлик калитлар тўплами	Чилангар ИИИ	0,12	қопқоқ подшипниги кистирмаси билан ечиб олинади. Таянчни стопор винти бўшатилади, шпонка пресслаб чиқарилади ва вал суғуриб олинади
11	Айланишлар сони ростлагичи корпусини ечиб олиш	Чилангарлик калитлар тўплами	Чилангар ИИИ	0,07	Айланишлар сони ростлагичи ва чуқурча трубкаси ечиб олинади
12	Насос корпуси пастки қопқоғини ечиб олиш ва корпусни стенддан олиш	Чилангарлик калитлар тўплами	Чилангар ИИИ	0,06	Ҳаво чиқариб юбориш тиқини олинади ва қопқоқ кистирма билан биргаликда олинади. Корпус стенддан олинади.
	Жами:			1,01	

3.6. Тақомиллаштирилган таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш устaxonасини тавсифи

Дизелли автомобилларини тахминлаш тизимига хизмат кўрсатиш устaxonасини умумий майдони 36 м² дан иборат.

Дизелли автомобилларини тахминлаш тизимига хизмат кўрсатиш устaxonасига юқори босимли насосини, ёнилғи аппаратини пуркаш тизими асбобларини текшириш учун замонавий стендлар, ёнилғи билан тахминлаш тизими асбобларини тахмирлаш учун асбоблар, стендлар, жиҳозлар ва мосламаларни ўрнатиш режалаштирилди ва бу

ерга ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берадиган бир қанча технологик жиҳозлар ва асбоб-ускуналар, жумладан тозалаш материаллари учун лар, қисмларга ажратиш ва ювиш учун курилма, қисқич, плунжер жуфти деталларини назорат қилиш ва ювиш учун стол, Ёнилғи аппаратларини таҳмирлаш столи, ЮБНни текшириш ва синаш стенди, Форсункаларни таҳмирлаш столи, Рейкали қўл пресси ва Стол устидаги пармалаш дастгоҳи ўрнатиш режалаштирилди.

4.1. Дастлабки маълумотлар

Устахонадаги ишларни йиллик иш ҳажми

$$T_{\text{й}} = 6831 \text{ о.-с.}$$

Ишлаб чиқариш ишчилар сонини ҳисоби

$$N_{\text{й}} = \frac{T_{\text{й}}}{\Phi_H} = \frac{6831}{2070} = 3 \text{ киши}$$

Ишчиларнинг малака тоифаси $p = \text{ИИИ}$

4.1.1. Ишлаб чиқариш ишчиларининг йиллик иш ҳақи фонди

а) ишчиларнинг асосий иш ҳақи

$$C_{\text{пр}} = T_{\text{й}} \cdot C_c \cdot K_3 = 6831 \cdot 4500 \cdot 1,2 = 36887400 \text{ сўм}$$

бу ерда C_c -соатлик иш ставкаси, ишчиларнинг малака тоифаси бўйича, $C_c = 4500$ сўм/соат; K_3 -берилган режани бажарганлиги ва ошириб бажарганлиги, бригадирлиги ва шогирд тайёрлагани учу ниш ҳақиға тўланадиган қўшимчани ҳисобға олувчи коэффициент, $K_3 = 1,2 \dots 1,3$.

б) қўшимча иш ҳақи фонди

$$C_o = \frac{C_{\text{пр}} \cdot H_o}{100} = \frac{36887400 \cdot 10}{100} = 3688740,0 \text{ сўм}$$

бу ерда H_o -меҳнат таҳтили ва режани бажаргани учун тўланадиган қўшимча иш ҳақи учун ажратма меҳёри, $H_o = 7 \dots 11 \%$.

в) ишлаб чиқариш ишчиларининг йиллик иш ҳақи фонди

$$C_{\text{ф}} = C_{\text{пр}} + C_o = 36887400 + 3688740,0 = 40576140,0 \text{ сўм}$$

г) ижтимоий суғурта учун ажратма

$$C_{\text{суг}} = \frac{C_{\text{пр}} \cdot H_c}{100} = \frac{36887400 \cdot 25}{100} = 9221850,0 \text{ сўм}$$

бу ерда H_c -ижтимоий суғурта учун ажратма, $H_c = 25 \%$.

д) ишчиларнинг ойлик маоши

$$Z_{\text{ичи}} = \frac{C_{\text{ф}} + C_{\text{суг}}}{12 \cdot N_{\text{й}}} = \frac{40576140,0 + 9221850,0}{12 \cdot 3} = 1506235,5 \text{ сўм}$$

4.2. Бошқа тоифадаги ишчиларнинг йиллик иш ҳақи фонди

4.2.1. Ёрдамчи ишчиларнинг йиллик иш ҳақи фонди ҳисоби

а) ёрдамчи ишчиларнинг сони

$$N_{\text{ёр}} = (0,2 \dots 0,3) \cdot N_{\text{й}} = 0,3 \cdot 3 = 0,9 \text{ киши}$$

б) ёрдамчи ишчиларнинг ойлик маоши

$$Z_{\text{ёр}} = (0,8 \dots 0,9) \cdot Z_{\text{ичи}} = 0,8 \cdot 1506235,5 = 1204988,4 \text{ сўм}$$

в) ёрдамчи ишчиларнинг йиллик иш ҳақи фонди

$$C_{\text{ф.ё}} = 12 \cdot Z_{\text{ёр}} \cdot N_{\text{ёр}} = 12 \cdot 1204988,4 \cdot 0,9 = 13013874,7 \text{ сўм}$$

4.2.2. Мухандис-техник ходимларнинг йиллик иш ҳақи фонди

а) муҳандис-техник ходимлар сони

$$N_{MTX} = (0,1 \dots 0,12) \cdot N_{\text{и}} = 0,1 \cdot 3 = 0,3 \text{ ставка}$$

б) муҳандис-техник ходимларнинг ойлик маоши

$$Z_{MTX} = 755050 \dots 863470 \text{ сўм қабул қилинади}$$

в) муҳандис-техник ходимларнинг йиллик иш ҳақи фонди

$$C_{MTX} = 12 \cdot Z_{MTX} \cdot N_{MTX} = 12 \cdot 863470 \cdot 0,3 = 3108492 \text{ сўм}$$

4.2.3. Хизматчиларнинг йиллик иш ҳақи фонди

а) хизматчилар сони

$$N_x = (0,02 \dots 0,05) \cdot N_{\text{и}} = 0,02 \cdot 3 = 0,06 \text{ ставка}$$

б) хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши

$$Z_x = 555650 \dots 641300 \text{ сўм қабул қилинади}$$

в) хизматчиларнинг йиллик иш ҳақи фонди

$$C_x = 12 \cdot Z_x \cdot N_x = 12 \cdot 641300 \cdot 0,06 = 461736 \text{ сўм}$$

4.2.4. Кичик хизматчи ходимларнинг йиллик иш ҳақи фонди

а) кичик хизматчи ходимларнинг сони

$$N_{KXX} = (0,02 \dots 0,03) \cdot N_{\text{и}} = 0,03 \cdot 3 = 0,09 \text{ ставка}$$

б) кичик хизматчи ходимларнинг ўртача ойлик маоши+

$$Z_{KXX} = 355000 \dots 435000 \text{ сўм миқдорида қабул қилинади}$$

в) кичик хизматчи ходимларнинг йиллик иш ҳақи фонди

$$C_{KXX} = 12 \cdot Z_{KXX} \cdot N_{KXX} = 12 \cdot 435000 \cdot 0,09 = 469800 \text{ сўм}$$

4.3. АТК ишчиларни йиллик иш ҳақи фонди

Автотранспорт корхонасидаги ишчиларнинг йиллик иш ҳақи фонди

4.1-жадвал

Ишчилар тоифаси	Ишчилар сони (ставка)	Ишчиларнинг ойлик маоши, сўм	Иш ҳақи фонди, сўм	
			Ойлик	Йиллик
Ишлаб чиқариш ишчилари	3	1506235,5	4518706,5	54224478
Ёрдамчи ишчилар	0,9	1204988,4	1084489,56	13013874,72
Муҳандис-техник ходимлар	0,3	268400	259041	3108492
Хизматчилар	0,06	641300	38478	461736
Кичик хизматчи ходимлар	0,09	435000	39150	469800
Жами		4650993,9	5939865,06	71278380,72

4.4. Ишлаб чиқариш таннари, даромад, фойда ва рентабеллик ҳисоби

4.4.1. Материаллар харажати

$$C_M = A_C \cdot H_M = 100 \cdot 456260 = 45626000 \text{ сўм}$$

бу ерда H_M – битта дизел двигателли автомобиллини тахминлаш тизимига хизмат кўрсатиш ва тахмирлаш учун материаллар сарфи меҳёри, сўм,
 $H_M = (350000...550000) = 456260$ сўм

4.4.2. Автомобил двигателини тахмирлаш учун харажатлар

Устахонадаги тахмирлаш харажатлари, цех, жиҳозларга ТХК ва Т, умумхўжалик ва бошқа ишлаб чиқариш харажатларидан ташкил топган

а) цех харажатлари

$$C_{PC} = K_{PC} \cdot C_{ФИЧИ} = 0,5 \cdot 40576140,0 = 20288070,0 \text{ сўм}$$

бу ерда K_{PC} -цех харажатларини ҳисобга олувчи коэффициент, $K_{PC}=0,5$

б) устахонадаги жиҳозларни ишлатиш ва уларга ТХК ва Т харажатлари

$$C_{PO} = K_{PO} \cdot C_{ФИЧИ} = 1,5 \cdot 40576140,0 = 60864210,0 \text{ сўм}$$

бу ерда K_{PO} - жиҳозларни ишлатиш ва уларга ТХК харажатларини аниқлаш коэффициенти, $K_{PO}=1,14...2,0$

в) умумхўжалик харажатлари

$$C_{PX} = K_{PX} \cdot C_{ФИЧИ} = 0,5 \cdot 40576140,0 = 20288070,0 \text{ сўм}$$

бу ерда K_{PX} -умумхўжалик харажатларини аниқлаш коэффициенти, $K_{PX}=0,45...0,51$

г) бошқа ишлаб чиқариш харажатлари

$$C_{PI} = K_{PI} \cdot C_{ФИЧИ} = 0,015 \cdot 40576140,0 = 608642,1 \text{ сўм}$$

бу ерда K_{PI} -бошқа ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш коэффициенти, $K_{PI}=0,015$

Устама харажатларни умумий қиймати

$$C_{УСТ} = C_{PC} + C_{PO} + C_{PX} + C_{PI} = 20288070,0 + 60864210,0 + 20288070,0 + 608642,1 = 102048992,1 \text{ сўм}$$

4.4.3. Ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар

$$C_{PB} = 0,012 \cdot C_{УСТ} = 0,012 \cdot 102048992,1 = 1224587,9 \text{ сўм}$$

Хизмат кўрсатиш таннари

4.2-жадвал

Т-р	Харажатлар турлари	Белгиланиши	Қиймати, сўм
1	Материаллар сарфи	C_M	45626000
2	Ишчиларнинг асосий иш ҳақи фонди	$C_{пр}$	36887400
3	Ишчиларнинг қўшимча иш ҳақи фонди	C_d	3688740
4	Ижтимоий суғурта учун ажратма	$C_{суғ}$	13648338,0
5	Жиҳозларни ишлатиш ва уларга ТХК харажатлари	C_{po}	60864210
6	Цех харажатлари	C_{pc}	20288070
7	Умумхўжалик харажатлари	C_{px}	20288070
8	Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	C_{pi}	608642,1
9	Хизмат кўрсатиш таннари ($\Pi_1+...+\Pi_8$)	$C_{АТК}$	201899470,1
10	Ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган харажатлар	C_{pb}	1224587,9
11	Тўла таннарх ($\Pi_9+\Pi_{10}$)	C_{π}	203124058

4.5. Битта автомобилга хизмат кўрсатиш таннари

$$C_{\Pi} = \frac{\Sigma S_{\Pi}}{A_C} = \frac{203124058}{100} = 2031240,6 \text{ сўм}$$

4.6.Хизмат кўрсатишдан келадиган даромад

$$B = d \cdot \Sigma S_{\Pi} = 1,2 \cdot 203124058 = 243748869,6 \text{ сўм}$$

бу ерда д-1 сўм харажатга тўғри келадиган даромад, д=1,18...1,2

4.7.Хизмат кўрсатишдан келадиган фойда

$$\Pi = B - \Sigma S_{\Pi} = 243748869,6 - 203124058 = 40624811,6 \text{ сўм}$$

4.8.Битта ишлаб чиқариш ишчисининг ўртача иш унумдорлиги

$$\Pi_T = \frac{B}{N_{\text{й}}} = \frac{243748869,6}{3} = 81249623,2 \text{ сўм}$$

4.9.Устахона рентабеллигини аниқлаймиз

4.9.1.Асосий ишлаб чиқариш фондининг қиймати

$$C_O = C_{\text{КМИ}} + C_{\text{Ж}} + C_{\text{АУ}} = 55350000 + 35865000 + 47256000 = 138471000 \text{ сўм}$$

бу ерда $C_{\text{КМИ}}$ -курилиш-монтаж ишларининг қиймати, сўм

$$C_{\text{КМИ}} = A_C \cdot C'_{\text{КМИ}} = 100 \cdot 553500 = 55350000 \text{ сўм}$$

$C_{\text{ОКМИ}}$ -битта автомобилга тўғри келадиган қурилиш-монтаж ишларининг қиймати,

$C_{\text{ОКМИ}} = \underline{553500}$ сўм;

$C_{\text{Ж}}$ -ишлаб чиқариш жиҳозларининг қиймати, сўм

$$C_{\text{Ж}} = A_C \cdot C'_{\text{Ж}} = 100 \cdot 358650 = 35865000 \text{ сўм}$$

$C_{\text{ОЖ}}$ -битта автомобилга тўғри келадиган жиҳозларнинг қиймати,

$C_{\text{ОЖ}} = \underline{358650}$ сўм

$C_{\text{АУ}}$ -мослама ва асбоб-ускуналар қиймати, сўм

$$C_{\text{АУ}} = A_C \cdot C'_{\text{АУ}} = 100 \cdot 472560 = 47256000 \text{ сўм}$$

$C'_{\text{АУ}}$ – битта автомобилга тўғри келадиган мослама, асбоб-ускуналар қиймати,

$C'_{\text{АУ}} = \underline{472560}$ сум

сўм

4.9.2.Меҳёрлаштирилган айланма маблағлар қиймати

$$\Phi_{\text{ОБ}} = \Phi'_{\text{ОБ}} \cdot C_{\text{РХ}} = 0,15 \cdot 20288070,0 = 3043210,5 \text{ сўм}$$

бу ерда $\Phi'_{\text{ОБ}}$ - хўжалик харажатларининг ҳар бир сўмига тўғри келадиган айланма маблағлар қиймати, $\Phi'_{\text{ОБ}} = 0,14...0,15$

Устахона рентабеллигини аниқлаш

4.3-жадвал

Т-р	Кўрсаткичлар номи	Белгила-ниши	Қиймати, сўм
1	Асосий ишлаб чиқариш фонди	C_O	138471000
2	Меҳёрлаштирилган айланма маблағлар	$\Phi_{\text{об}}$	3043210,5
3	Ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати (Π_1][Π_2)	$\Phi_{\text{пф}}$	141514210,5
4	Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ажратмалар	$0,06 \cdot \Phi_{\text{пф}}$	8490852,63
5	Фойда	Π	40624811,6
6	Соф фойда (Π_5 - Π_4)	Π_o	32133959,0

7	Умумий рентабеллик (П ₅ :П ₃), %	P _o	29
8	Ҳисобий рентабеллик (П ₆ :П ₃)	P _x	23

4.10.Ишлаб чиқариш фондларининг фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш

а) асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлик коэффициенти

$$K_{\phi} = \frac{B}{C_o} = 243748869,6 / 138471000 = 1,8$$

б) айланама маблағларнинг айланиш даври

$$K_o = \frac{B}{\Phi_{об}} = 243748869,6 / 3043210,5 = 80,1$$

Техник иқтисодий кўрсаткичлар

4.4-жадвал

Т-р	Кўрсаткичлар номи	Белги-ланиши	Ўлчов бирлиги	Қиймати
1	Автомобилларни постга йиллик киришлари сони	A _c	Та	100
2	Асосий ишлаб чиқариш фонди	C _o	Сўм	138471000
3	Меҳёрлаштирилган айланма маблағларнинг қиймати	Φ _{об}	Сўм	3043210,5
4	Ишчилар сони	H _и	Киши	3
5	Ишлаб чиқариш ишчисининг иш унумдорлиги	П _т	Сўм	81249623,2
6	Тўла таннарх	C _п		203124058,0
7	Даромад	B	Сўм	243748869,6
8	Фойда	П	Сўм	40624811,6
9	Рентабеллик а) умумий б) ҳисобий	P _o	%	29
		P _x	%	23

5.1. Автокорхонада меҳнатни муҳофаза қилиш

Санитария-маиший бинолар куриш, якка тартибдаги химоя воситаларидан фойдаланиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришда касбий касалланишларни ҳамда захарланишларнинг олдини олиш, меҳнаткашлар соғлиғини сақлаш масалаларини ҳал этади, шунингдек меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва ишлаб чиқариш маданияти билан боғлиқ бўлган гигиена тадбирларини ишлаб чиқади.

Меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитариясининг ҳамма талаблари бажарилишини назорат қилиш Республикамиз соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли санитария эпидемияга қарши хизматлари ташкилотлари ҳамда муассалари зиммасига юклатилган. Улар автосервис корхоналарини лойиҳалаш, куриш ёки реконструкция қилиш ёки техник қайта жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш босқичида санитария назоратини амалга оширади.

Автотранспорт корхоналарида ишлаётган ишчилар ва ходимлар яхши ишлари учун аввало уни қуршаб турган муҳитни муайян шароити зарур бўлади. Меҳнат фаолияти жараёнида ишлаб чиқариш муҳити инсон организмига маҳлум даражада таҳсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш муҳитининг метрологик шароити ҳавонинг ҳарорати, намлиги, тезлиги билан, табиий ёруғлик манбаи билан, ишлов берилаётган деталлар ва буюмлардан, ускуналарнинг қизиган сиртларидан иссиқлик тарқалиши билан белгиланади. Улар муайян технологик бўлинма учунгина хос бўлиб, ишлаб чиқариш

хонасини микроклими деб юритилади. Ишлаб чиқариш устахонасининг микроклимини ҳосил қилишда у бажараётган жисмоний меҳнат тоифаси ҳисобга олиниши лозим.

Юқоридагилардан келимб чиқиб диплом лойиҳасида берилган топшириқ бўйича ёқилғи аппаратураларини таҳмирлаш устахонасини меҳнатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан таҳлил қилиб чиқамиз. Ёнилғи аппаратураларини таҳмирлаш устахонасида бажарилаётган иш ўртача жисмоний меҳнат синфига киради ва хонанинг метрологик кўрсаткичи қуйидагича бўлиши керак: хона ҳарорати 20...24 градус атрофида, ҳавонинг нисбий намлиги 30...60 фоиз атрофида ва ҳаво оқимининг тезлиги 2...3 м/дақиқа бўлиши лозим.

Хонани ёритилиши ишчиларни меҳнат фаолиятига катта таҳсир қўрсатади. Хоналарни табиий, сунъий ва аралаш усулларда ёритиш мумкин. Сунъий ёритишда хонада ёруғлик манбаи бўлиб лампочкалар хизмат қилади, шунинг учун хонани сунъий ёритилганлигини таҳминлаш лозим бўлган лампалар сонини аниқлаймиз.

Дизелли автомобилларни таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш устахонасида устахонасидаги ёритиш қурилмаларини умумий қувватини ҳисоблаймиз

$$P = S \cdot W = 30 \cdot 20 = 600 \text{ Вт}$$

бу ерда; P-ёритиш асбобларининг умумий қуввати, Вт;

S-устахона майдони, м²;

W-солиштира қувват, Вт/м²

Устахона учун зарур лампалар сони

$$n = \frac{P}{P_{\text{л}}} = \frac{600}{200} = 3 \text{ та}$$

бу ерда; P_л- битта лампанинг қуввати, Вт

Табиий ёритиш дераза ойналаридан тушган ёруғлик манбаи ҳисобига амалга оширилади. Шунинг учун деразанинг ёруғлик тушадиган юзасини ҳисоблаймиз:

$$F_{\text{д}} = S \cdot \alpha = 30 \cdot 0,30 = 9 \text{ м}^2$$

бу ерда; S-устахона майдони, м²;

α-ёритилганлик коэффиценти, α=0,30

Демак, хонани ёритиш учун дераза майдони 9 м² бўлиши лозим экан. Бундан келиб чиқиб биз таҳлил қилаётган ёқилғи аппаратураларини таҳмирлаш устахонасидаги деразани ёруғлик ўтадиган сирти 7,8 м² ни ташкил этади, бу хонани табиий ёритилишини тўла таҳминлайди.

Ташкил этилаётган ёқилғи аппаратураларини таҳмирлаш корхонасида инсон организмга ишлаб чиқаришни ҳар хил зарарли омиллари таҳсир қўрсатади. Зарарли омиллар физик, кимёвий, биологик ва психофизиологик бўлиши мумкин. Уларнинг ҳаммаси инсон организмга бевосита технологик жараёнлар, меҳнат тартиботлари ҳамда атроф-муҳит орқали таҳсир қилади. Барча зарарли омиллар ишчилар организмнинг ташқи таҳсирларига қаршилик кўрсатилишини сусайтиради, меҳнат қобилиятини камайиши ёки бутунлай йўқолишига олиб келади.

Меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитарияси ишловчиларга зарарли омилларни йўқотувчи ёки камайтирувчи ташкилий ҳамда санитария техник тадбирлар ва воситалар мажмуидир. Агар ишлаб чиқариш омилларининг таҳсири муайян шароитда ишчиларнинг касалланиши ва меҳнат қобилиятини йўқолишига олиб келса, улар ҳисобланади.

Кўнгилсиз ҳодисалар ва касбий касалланишлар ишчиларнинг соғлигига зарар етказибгина қолмасдан, балки иқтисодий зиён ҳам етказади: иш вақтини йўқотилишига, жиҳозларни ва асбоб-ускуналарни тўхтаб қолишига, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг камайишига, шунингдек ижтимоий суғурта ва зарарлар ўрнини қоплашлар бўйича

тўловлар кўринишидаги бевосита харажатларга олиб келади. Бу зарарларни Республика миқёсида ҳисоблайдиган бўлсак, ҳар йилига бир неча миллиард сўмни ташкил қилади.

Меҳнат гигиенаси ишчилар организмга меҳнат жараёнини атрофдаги ишлаб чиқариш муҳитининг таъсирини ўрганади ҳамда меҳнатнинг санитария-гигиена шароитини яхшилашга доир тавсияномаларни ишлаб чиқади. Бу тавсияномалар ишловчилар соғлигини сақлаш ва яхшилаш ҳақидаги фан бўлса, санитария амалга оширишга ёрдам берадиган амалий фаолиятдир.

Ишлаб чиқариш санитарияси корхоналар, ишлаб чиқариш бинолари ва хоналарнинг ҳудудини санитария жиҳатидан ободонлаштириш, санитария техникаси ускуналарини ўрнатишдир.

Дизелли автомобилларни таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш устахонасида тортувчи шамоллатиш қурилмаси, пайвандлаш дастгоҳи устида ва мисгарлик дастгоҳи устида тортувчи зонт ўрнатилган бўлиши керак. Ёнилғи бакини синаш ваннаси қўлланилади.

Дизелли автомобилларни таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш ишларини қилиш аппаратларини ишлатишда рухсат этилган электр тоқларини ишлаш керак бўлади. Шунинг учун аппаратда ампермети, ҳамда кўрсатиш жиҳозлари бўлиши лозим. Ампермети носоз бўлганда аппаратни ишлатиш қатъиян таҳқиқланади.

Дизелли автомобилларни таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш ишларини деталларини қисмларга қўл кучи билан ажратганда биринчидан ишчилар кўп куч сарфлашади, иккинчидан ёнилғи баки таъмирлашда эҳтёт бўлиш керак акс ҳолда атрофдагиларга ва ишчиларга шикаст етказиши мумкин. Шунинг учун қисмларга ажратишда стендлардан фойдаланилади, бу стендлардан фойдаланилган электр узатмалари, электродвигател ва бошқа электр жиҳозлари изоляцияланган бўлиши лозим. Ёқилғи аппаратларини таъмирлаш вақтида стенддан ёқилғи аппаратларини чиқиб кетмаслигини таъминловчи ёрдамчи жиҳозларни ишлатиш лозим, ёрдамчи жиҳозларсиз ишлаш мумкин эмас. Ёқилғи бакини стенддан отилиб кетишини олдини олиш учун уларни маҳкам қотирадиган тўсиқлар ўрнатилган бўлиши лозим. Таъмирланадиган деталларни дастгоҳида доимий маҳкам ушлаб туриш учун турли хил мосламалардан фойдаланиш керак.

Хулоса

Менга диплом лойиҳа сифатида “Андижон вилояти Балиқчи тумани марказида 100 та Исузу автомобиллари учун автокорхона лойиҳалаш” мавзуси бириктирилган эди. Диплом лойиҳа олди амалиёти даврида Балиқчи шаҳри Навоий кўчасида жойлашган АТКда автомобилларга хизмат кўрсатиш ҳолатини таҳлил қилдим, Балиқчи шаҳри Навоий кўчаси шаҳрини энг гавжум жойларидан бири ҳисобланади, чунки бу ердан хизмат кўрсатиш жуда қулай ҳисобланади, қатновчи транспорт воситаларига хизмат кўрсатади. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахоналарида 1-5 постли автомобилларга ТХК ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Ҳозирги кунда бу устахоналарда автомобилларга ТХК учун бино ва иншоотлар мавжуд бўлиб, автомобилларни ювиш, юриш қисмига хизмат кўрсатиш ва майда таъмирлаш ишлар учун устахоналар мавжуд, лекин автомобилларни ёнилғи аппаратларини таъмирлаш ишлари бажарилмайди. АТКдаги техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини таҳлили шуни кўрсатадики, бу ерда автомобилларни келиб-кейтиш гавжумлигини ҳисобга олиб яна битта ёки иккита хизмат кўрсатиш устахонасини ташкил этиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, автомобилларга сервис техник хизмат кўрсатиш ҳудудида исузу юк

автомобилларни таъмирлаш сервис устaxonаси ташкил этилса автомобил эгаларига қулайлик яратилган бўлар эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб диплом лойиҳа мавзусини танлаб олишда мен Исузу автомобилларга автокорхона лойиҳалашни Андижон вилояти Балиқчи тумани марказида 100 та Исузу автомобиллари учун автокорхона лойиҳалашни ташкил этишни мақсад қилиб олдинди:

Диплом лойиҳани умумий қисмида юк автомобилларни таъмирлаш техник ҳолатини қисқача тавсифи ва диплом лойиҳа мавзусини асослаш берилган. Ҳисоб-технологик қисмида автокорхона қувватини, унда бажариладиган ишлар ҳажми, ишчилар сони ҳисобланган ҳамда технологик жиҳозларни танланган ва устaxonа майдонини ҳисобланган. Ташкилий қисмида таъмирлаш устaxonасидаги ишларни ташкил этиш, таъмирлаш устaxonаси учун технологик жиҳозлар танлаш, таъмирлаш устaxonаси майдонини ҳисоби, таъмирлаш ишлари технологияси ва технологик харита тузиш берилган. Иқтисодий қисмида ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ишчиларнинг асосий, қўшимча иш ҳақи, ижтимоий суғурта учун ажратма, материаллар харажатлари, таъмирлаш учун харажатлар, ёнилғи билан таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш таннархи, даромад, фойда, устaxonани лойиҳалаш учун харажатлар ва рентабеллиги ҳисобланган.

Меҳнат муҳофазаси қисмида автокорхонани санитария-гигиеник ҳолати, шовқин, хавфсизлик талаблари таҳлил қилинган ва шахобчада ишлайдиган ишчиларни хавфсиз ишлашини таҳминлаш чора тадбирлари тавсия этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3589-сон қарори. 7март “Халқ сўзи” газетаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2017 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2018 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги “Аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва кишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2724 сонли қарори.
4. И.А.Каримов Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. Т., “Ўзбекистон” НМИУ, 2015. -304б.
5. Каримов И.А. Жаҳон молияий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.:Ўзбекистон, 2009.-56 б.
6. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиёти пойдевори -Т.1997 й.
7. Каримов И.А. Шу азиз Ватан барчамизники. - Т, Ўзбекистон, 1997 й.
8. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни - Т, Ўзбекистон овози, 1997й 7 октябр.
8. Маматов Х. Автомобиллар (автомобиллар конструкцияси. асослари) И-қисм Т, Ўқитувчи 1998
- 10.С. Қодиров Тико автомобилининг тузилиши ва носозликларини аниқлаш Т. Истикбол 2003.
11. О.Абдуллаев. Ўзбекистон экологияси: бугун ва эртага. Т, Ўқитувчи., 2003.
12. С. Кузнецов ва бошқалар. Автомобилларни техник эксплуатацияси Ш.Н. Магдиев таржимаси асосида.Т, 2003

13. Мусождонов М.З. Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойихалаш.Т., Фан, 2006, 232 б.
14. Хамракулов О, Назаркулов Ё.П., Магдиев Ш.П. Автомобиллар сервиси, Жиззах, 2007, 208 б.
15. Мусождонов М.З и др. Сервис соременных атомобилей и предприятия автосервиса. Т.:ТАДИ, 2009, 37 с.
16. Икрамов М.А. ва бошқалар. Автотранспорт воситалари сервиси., Т., Ўзбекистон,2010, 266 б.
17. Ғ. Махмудов. Автомобилларнинг электр ва электрон жиҳозлари. Т, Истиклол, 2011 й;
18. Мусождонов М.З. Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойихалаш.Т.: Фан, 2012, 232 б.

Электрон ресурслар

- 1.www.матлаб.com
- 2.www.реф.уз
- 3.www.зиёнет.уз
- 4.www.педагог.уз
- 5.www.зиё.еду.уз
- 6.www.истедод.уз
- 7.www.ауто.com